

6-10-2019

THE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENTREPRENEURSHIP QUALIFICATION

Fotima Ergasheva

Namangan engineering – technological institute Senior teacher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ergasheva, Fotima (2019) "THE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENTREPRENEURSHIP QUALIFICATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 200.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/200>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENTREPRENEURSHIP QUALIFICATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТАДБИРКОРЛИК МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Эргашева Фотима Ибрагимовна

Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчи

Аннотация: Мақолада глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг барча соҳаларига инновацион ёндашув лозимлиги ёритилган. Ёшларни педагогик технология асосида иқтисодий билим ва кўникмаларини ошириш, тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш ифодаланган. Шунингдек, педагогик технологиялардан фойдаланишда услубий тавсиялар берилган.

Калит сўз ва иборалар: глобаллашув, ёшларни тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик малакаси, педагогик технологияларни қўллаш, иқтисодий фанларни ўқитиш хусусиятлари, инновацион таълим технологияси, педагогик инновациядан фойдаланишдаги услубий тавсиялар

ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Эргашева Фотима Ибрагимовна

Наманганский инженерно-технологический институт старший преподаватель

Аннотация: В статье освещена необходимость инновационного подхода во всех отраслях экономики в условиях глобализации. Описано, повышение экономических знаний и навыков молодёжи, развитие их предпринимательских квалификаций. Также, даны методические указания по использованию педагогических технологий.

Ключевые слова и выражения: глобализация, предпринимательская деятельность молодёжи, предпринимательская квалификация, использование педагогических технологий, свойства обучения экономическим предметам, инновационная образовательная технология, методические указания по использованию педагогических инноваций

THE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENTREPRENEURSHIP QUALIFICATION

Ergasheva Fotima Ibragimovna

Namangan engineering –technological institute Senior teacher

Abstract: In the article the innovative approach necessity to all the branches of the economy in the globalization conditions is highlighted. Increasing the economical knowledge and skills of the youth on the basis of the pedagogic technologies, the development of their entrepreneurship experiences is expressed. Plus, the methodological advices are given on how to use the pedagogical technologies.

The key words and expressions: Globalization, the youth entrepreneurship activity, the entrepreneurship experience, implementation of the pedagogic technologies, the properties of teaching the economical sciences, the innovative education technology, the methodological advices on using the pedagogical innovation.

Дунёнинг тез ўзгарувчанлиги, глобаллашув ҳолати ва уни бошқаруви ҳар қандай мамлакат олдига кескин инновацион ўзгаришларни ва бурилишларни амалга оширишни шарт қилиб қўймоқда, айниқса фан ва технологиялар халқаро ривожланган мамлакатлар даражасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда республикамизда ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Тадбиркорликни комплекс ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга фаол жалб қилиш бўйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширилмаяпти, ҳамда зарур инфратузилма яратилмаган, бу эса янги иш ўринлари яратишнинг энг муҳим шarti ҳисобланади.

Жойларда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ёшларнинг тадбиркорлик саводхонлигини оширишга, уларга бизнес ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини синдиришга ҳали ҳам бефарқ ва бепарво муносабатда бўлмоқда.[2]

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак...Келгуси йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим. [1]

Шунга асосан, ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Бугунги кун талаба ёшларининг бизнес ташаббуслари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, бизнес юритиш, тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш бугунги куннинг *долзарб масаласидир*.

Талабаларда тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш, уларда тадбиркорлик фаолиятларини бошлаш учун дастлабки қадамлар қўйишларига катта ёрдам беради.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши, ундаги ишловчиларнинг касб маҳоратига, билим даражасига, тажрибасига, малакасига боғлиқдир. Бунинг учун бўлажак мутахассисларда тадбиркорлик билим ва кўникмаларини шакллантириш, тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш лозим бўлади. Бу эса, иқтисодий тарбия жараёнини замон талабларига хос бўлган тушунчалар билан бойитиш ва уни талабаларга замонавий педагогик технологиялар асосида етказишни тақазо қилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳозирда таълим соҳасида янги интерфаол усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Интерфаол усуллардан фойдаланишда гуруҳда, талабалар ва педагог ўртасида маълумотлар алмашилиш, баҳслашиш натижасида коммуникация ривожланади, талаба билан педагог ўртасида эркин фикр алмашилишга, билим, кўникмани оширишга ёрдам беради.

Педагогика жараёнида инновацияларни қўллашда бўлажак мутахассисларда бир қатор қирралар шаклланади:

- *талабанинг ижодкорлиги*: Бунга талаба янгиликка қизиқувчанлиги ва уларни тез англай олиш қобилияти, яратувчанлик ва синчковлик билан ижодиёти баркамол шахс учун алоҳида касб этиши ҳамда мунтазам равишда ўз устида ишлаши орқали эришади;

- *талабанинг компьютер саводхонлиги ва ахборот маданияти юксаклиги*: Бунга талаба "Компьютер саводхонлик-иккинчи саводхонлик" деган тамойилга амал қилиши орқали эришади;

- *талабанинг янгиликни жорий этишдаги фаолиятни охиригача етказа олиш хислати*: Бунга педагогик тизимни мураккаб, динамик, кўп кўрсаткичларга боғлиқ ва уни ҳаракатчан кўрсаткичлар орқали бошқариш мумкин деган худосалар шаклланиши билан эришилади;

- *талабанинг инновацион фаолиятда илгор бўлиш хислати*: Бунга талаба доимо "байроқдор" бўлишга интилиш, тадқиқот услубиятига мунтазам равишда қизиқиб бориши, муаллифликка ишқивоз бўлиши, тажриба - синов ишларини ўтказишда бошқа тадқиқотчилар ишларига синчковлик билан қараши, мазкур фаолиятда хато ва камчиликлар бўлганда ўзини ўнглай олиши билан эришади;

- *талабанинг жавобгарликни сезиш хислати*: Бунга у ҳамма нарсага бефарқ қарамаслиги, қилаётган ишини охиригача етказишда иродаси мустаҳкамлиги, ўз ижодий фаолиятини режалаштира олиши билан эришади;

- *талаба шахсининг ғайрат-шижоатлилиг иҳислати*. Бунга талабадаги ижодкор-лик фаолиятининг жадаллик даражаси, шахсининг ишчанлиги ва эътиқодлилиги, ўзига ишончва куч-ғайрати орқали эришади;

- *етакчи касбий педагогик маҳоратга эга бўла олишлик маҳорати*: Бунга талабада ижодий фаолиятга кирганлик ҳақидаги савия, олдинданмаълумбўлганилмий-услубий ишланмалар ўзи шуғулланаётган манбага нисбатан мослай олиш ва унда янги функцияларни келтириб чиқара олишлик

ҳамда улар орқали оптимал ечимларни топа олишлик орқали эришилади ва ҳоказо.[4]

Ўқув жараёнларида таълим технологияси асосида билим бериш дифференциал ва индивидуал тарзда олиб бориш имконини беради. Бўлажак иқтисодчилар, менежерлар, молиячиларга таълим беришдан асосий мақсад-имкон борича катта ҳажмдаги замонавий иқтисодиёт бўйича илмий билимларни беришдир. Кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштириш учун педагог томонидан интенсив усулларни излаб топиш ва қисман талабанинг мустақил ишлаши керак бўлади.

Адабиётларда кўплаб инновацион усуллар тавсия этилади. Бугунги кунда педагогика фаолиятида кўплаб фаол инновацион усуллардан фойдаланилади.[3] Фикримизча, у ёки бу инновацион усулдан фойдаланиш педагогнинг тажрибасига боғлиқ.

Иқтисодий фанларни ўқитиш, замонавий иқтисодий билимларни талабалар-га етказишда педагогик технологияларни қўллашни ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

-мамлакатлар иқтисодиёти фан каби динамик ривожланади-иқтисодий ахборотлар кўпайиб боради, билимларнинг мазмун-моҳияти янгиланиб, тўлдирилиб боради, натижада бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан янги тамойиллар, тушунчалар ва кўрсатмалар пайдо бўлади;

-замонавий иқтисодиёт тўғрисидаги билимлар жуда ҳам кенги, уни қамраб олиш учун аудитория соатлари керакли ҳажмда белгиланмайди;

- фан доирасидаги билимни тўла эгаллашда предметлар ўртасидаги боғлиқлик ва талабаларни шу боғлиқ фанларни ўзлаштириши муҳим ҳисобланади.

Педагогик фаолиятнинг натижаси–унинг самарадорлигини ифодалайди. Талабаларда иқтисодий билим даражасини ошириш, тадбиркорлик малакаларини ривожлантиришда инновацион педагогик технология самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, таълим жараёнида инновацион педагогик технология-нинг самараси бир нечта масалаларни ўз ичига олади:

- назарий ва амалий манбаларни ўрганиш жараёнидан маълумки, аксарият талабаларимиз таълим жараёнида келажакни ўйламайдилар, биринчи галда улар фақатгина лозим бўлган рейтинг баҳоларини олишни кўзлайдилар холос. Иқтисодий билим ва кўникмани эгаллаш уларни қизиқтирмайди, келажакдаги карьерамда бу билимлар керак бўлади деб ўйламайдилар. Бунинг натижасида тадбиркорлик малакасини ривожлантириш учун керак бўладиган дастлабки билим ва кўникмаларнинг шаклланмаслиги;

-билим ва кўникмаларни шунингдек, иқтисодий билим ва кўникмаларни қай даражада ўзлаштирилаётганлигини педагоглар виждонан назорат

қилмаслиги, ўзлаштириш кўрсаткичларини нисбатан олган ҳолда қўйиб бориш ҳолатларини мавжудлиги, педагогларимизда ҳам талабаларнинг билимли бўлиши учун қайғуришни пастлиги, ҳақиқий назоратни зарурлиги;

-бўлажак технологларда айтайлик “Корхоналар иқтисоди ва менежменти” фанини тўлиқ ўзлаштириш учун иқтисодий назариянинг асосини ўзлаштириши лозим бўлади, чунки бу йўналиш талабалри ҳам келажакда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта. Керакли билимга эга бўлиш учун аввал у тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиш керак бўлади;

- баъзи фанларни шу соҳага тегишли юқори ташкилот мутахассислари турли хил кўринишдаги “муаммоли-маъруза”, дискуссиялар кўринишида ўтадилар. Лекин суҳбат-дискуссия усули афзалроқ бўлиб, унда талабалар билан суҳбат натижасида ўқувчилардаги ҳозирда мавжуд бўлган билим даражасини билиш мумкин. Малакани ривожлантирувчи билимга эга бўлиш учун, уларга қўшимча вазифа ва тушунчалар бериш, талабаларни бироқ эътиборлироқ бўлишга ундалади;

- тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, катта қисмдаги талабаларимиз ўз фикрларини эркин, аниқ ва лўнда ифодалаб бера олмайдилар. Чунки, уларда фикрларини баён этишга аввалги дарсларни ўзлаштиришда эътибор берилмаган. Талабаларда тестларни ёдлаш, вазифа қилиб берилган рефератларни интернет тармоғидан тайёр ҳолатдагисини кўчириш улардаги билим ва кўникмани паст шакллантириб, тўла ўзлаштирамаган ҳолда эгаллашларига сабаб бўлади;

- иқтисодий билимларни беришда талабалар билан ишлаш учун компьютер классларни етишмаслиги, ҳисоб-китоблар ва таҳлилларни компьютер технология-лари ёрдамида мустақил бажариш учун тўла шароитни йўқлиги, иқтисодий малакани ривожлантиришга салбий таъсир этади;

- АКТ билан жиҳозланиш даражасини пастлиги, АКТ билан жиҳозланган аудиториялардаги техникаларни носоз ҳолатга келиб қолганлиги, улар фойдаланишга яроқли эмаслиги. Иқтисодий билимлар, тадбиркорлик масалаларини кўргазмали, тўла тасаввурларни шакллантирган ҳолатда, видео-маърузалар, турли хил лавҳалар ёрдамида ўтишга эҳтиёжни баландлиги;

- иқтисодий билимлар мазмунини шаклланиб, мазмун-моҳияти янгиланиб борар экан, ҳар қайси педагог талабаларга етказиладиган билим устида бир неча соат тайёргарлик кўриши, доимо маълумотларни янгилаб, тўлдириб боришга тўғри келади, барча педагоглар ҳам бу масъулиятни ҳис қилиб фаолият олиб бормаслиги ва бошқа шу кабилар.

Педагогик жараён самарадорлигини ошириш, иқтисодий билимларни талабаларга тўла етказа олиш, тадбиркорлик малакасини ривожлантиришда юқоридаги масалалар устида доимо ишлаш лозим бўлади. Бунинг учун педагогик инновациядан фойдаланишдаги *услубий тавсияларга* амал қилиш керак:

- таълим - тарбия соҳасидаги давлат меъёрий ҳужжатларидаги қонун, қоида, Низомлар ва шу кабиларга эътибор бериш;
- ПИ соҳасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга тайёрлаш орқали ахборот ҳолатига келтириш;
- ахборотларни мазкур соҳа бўйича тартибга солиш ;
- ахборотларни турли хилларига бўлган эҳтиёжларни режалаштириш ва башорат қилиш бўйича тавсиялар;
- ПИнинг жорий этилиши бўйича ахборот тизимини яратиш ва ундан кенг мутахассислар оммасини таништиришга эришишнинг тезкор усулларидадан фойдаланиш ;
- телекоммуникациялар ва ахборотлар базасини яратиш;
- ПИ бўйича компьютер тармоғида сайдлар очиш ва ундан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва ҳаказолар.[4]

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, глобаллашув жараёнида ҳар қайси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шунга хос ривожланишни янги йўллари топишни тақозо қилади, шулар қаторида таълим соҳасига ҳам. Ҳар қандай иқтисодий жараёнларни ривожланиши унинг мазмун-моҳиятини ўзгариши, янгиланиб бориши билан изоҳланади. Таълим жараёнида ҳам ушбу янгиланишларни кириб боришини ўзлаштириш лозим бўлиб қолади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожланиши мамлакатда тадбиркорликни ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожланишига, шунингдек ўтишнинг ўзгарувчанлигига тез мослашувчанлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кун ёшларида иқтисодий тарбия жараёнида тадбиркорлик малакаларини ривожлантиришнинг долзарблиги билан ажралиб туради. Тадбиркорлик малакаларини ривожлантиришда педагогик технологияларга асосланилиб, талабани иқтисодий малакасини ривожлантириб боришда унинг ўзига хос қирраларини шакллантиради. Иқтисодий билимларни талабаларга етказиб берилиши, улардаги кўникма ва малакани ривожлантиришнинг доимо долзарблиги мамлакатни иқтисодиётидаги ривожланишда мазмун-моҳиятни ўзгариб боришига боғлиқ бўлиб, шу мазмунни тўла ўзлаштиришни биринчи даражага олиб чиқади.

Педагог педагогик технологияни амалга оширувчи экан, у доимо тизимли равишда малакасини ошириб бориши керак. Ҳар қандай инновацион усул дарсга билим ва ташкилий томондан фаол тайёргарлик кўрилганлигига боғлиқ. У мустақил равишда техника воситаларидан фойдаланишни ўзлаштириб бориши ва ишини севгандагина фаолият ўз ижобий самарасини бериши мумкин.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5466-sonli farmoni. 2018 yil 27 iyung'.
3. Mqnbaeva A. K., Sadvakasova Z. M. Innovatsionnqe metodq obucheniya, ili kak interesno prepodavatg'. Almatq, 2010, - 344 s.
4. Xasanboev J. va boshqalar. Pedagogikadan izoxli lurat. T.: Fan. 2006 y. 137- b.